

“IMKON-SUG’URTA” MAS’BULIYATI
CHEKLANGAN JAMIYATI SHAKLIDA GI
SUGURTA KOMPANIYASI
ishtirokchisi tomonidan

«TASDIQLANGAN»

2019 йил «29» 12 даги
« » - сонли баёни билан



“IMKON-SUG’URTA” MAS’BULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI SHAKLIDA GI SUGURTA KOMPANIYASI

U S T A V I

Тошкент - 2019 йил

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунлари (кейинги ўринларда «Қонун») ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилган.

1.2. Жамиятнинг Иштирокчиси - «Ипотека-банк» АТИБ - манзили Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Шахрисабз кўчаси 30-уй, индекс 100000.

1.3. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

- ўзбек тилида - «IMKON-SUG'URTA» mas'uliyati cheklangan jamiyati shaklidagi sug'urta kompaniyasi;

- инглиз тилида - «IMKON-SUG'URTA» insurance company in the form of a limited liability company;

- рус тилида - страховая компания в форме общество с ограниченной ответственностью «IMKON-SUG'URTA»

1.4. Жамият қисқартирилган фирма номи:

- ўзбек тилида «IMKON-SUG'URTA» MChJ SK;

- инглиз тилида - «IMKON-SUG'URTA» IC LLC;

- рус тилида - СК ООО «IMKON-SUG'URTA».

1.5. Почта манзили: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси 17-уй, 100000.

1.6. Жамиятнинг фаолият муддати чекланмаган.

II. ЖАМИЯТНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ

2.1. Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига асосан юридик шахс ҳисобланади. Жамият белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин юридик шахс мақомига эга бўлади.

2.2. Жамият ўз фаолиятини мазкур устав ва Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ ва таъсис ҳужжатларига асосан амалга оширади.

2.3. Жамият ўз мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради. Жамиятнинг иштирокчиси унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар. Жамиятнинг ўз ҳиссасини тўла қўшмаган иштирокчилари жамият мажбуриятлари бўйича ҳар бир иштирокчи ҳиссасининг тўланмаган қисмининг қиймати доирасида солидар жавобгар бўладилар.

2.4. Жамият ўзининг фирма номи ёзилган штамп ва бланкаларга, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатга олинган ўз эмблемасига, товар белгисига эга бўлишга ҳақли.

2.5. Жамият ўз эгалигида мустақил балансда ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка эга, ўз номидан ҳуқуқлар ва мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

III. ЖАМИЯТНИНГ ФИЛИАЛЛАРИ ВА ВАКОЛАТХОНАЛАРИ

3.1. Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ваколатхоналар, филиаллар ва алоҳида бўлинмалар тузишга ҳақли.

3.2. Жамиятнинг ваколатхоналари, филиаллари ва алоҳида бўлинмалари жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида унинг номидан фаолият юритади.

3.3. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик шахсларнинг муассиси бўлишга ёки уларнинг Устав фондида (устав капиталида) иштирок этишга ҳақли.

IV. ЖАМИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАН МАҚСАД ВА ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ

4.1. Жамиятни ташкил этишдан асосий мақсад иштирокчилар манфаатлари учун фойда олиш.

4.2. Жамиятнинг асосий фаолияти жисмоний ва юридик шахсларга суғурта хизматлари кўрсатиш ҳисобланади.

4.3. Ўз фаолиятининг мақсадларига эришиш учун Жамият қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суғуртанинг умумий, мажбурий ва қайта суғурталаш бўйича суғурта фаолиятини амалга ошириш, маҳаллий ва хорижий юридик ҳамда жисмоний шахсларга суғурта хизматларини, шу жумладан микросуғурталаш хизматларини кўрсатиш;

- амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда инвестицион фаолиятни амалга ошириш;

- белгиланган тартибга биноан суғурта тўловларини миқдорини аниқлаш ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга суғурта қопламаларини тўлашни амалга ошириш;

- барча ҳудудларда суғурталовчиларнинг (суғурта қилдирувчиларнинг) эҳтиёжларини тўлиқроқ қаноатлантирилишига ёрдам берувчи янги суғурта турларини ишлаб чиқиш ҳамда тадбиқ этиш;

- жамият ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажаришни таъминлаш учун амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда суғурта заҳираларини шакллантиш;

- суғурта объектлари нобуд бўлиши ва зарарланишининг олдини олувчи тадбирларни амалга ошириш;

- биргаликда суғурталаш ва қайта суғурталаш операцияларини миллий ва чет эл валютасида қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда амалга ошириш;

- суғурта масалаларида маслаҳатлар бериш, суғурта фаолиятини реклама қилиш;

- амалдаги қонун ҳужжатларига ва ушбу Уставга зид келмайдиган шартлар билан, Компаниянинг фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган заҳира ва бошқа фондларни шакллантириш, шунингдек улардан ўз ўрнида фойдаланиш;

- республика вазирликлари ва идоралари, бошқа давлатларнинг ташкилотлари билан амалий алоқалар ўрнатиш, ҳамкорлик қилиш, бу алоқа ва ҳамкорликни ривожлантириш, биргаликдаги суғурта фаолиятини юритиш;

- Ўзбекистон Республикасининг суғурта фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суғурта фаолиятининг бошқа турларини амалга ошириш;

- молиявий ва консалтинг хизматларини кўрсатиш;

- амалдаги қонунликка мувофиқ импорт ва экспорт операцияларини амалга ошириш.

- агентлик фаолияти билан шуғулланиш, жумладан воситачи-сотувчи ва сотиб оловчи-воситачилар бўлиши мумкин;
 - ўз мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун Ўзбекистон ҳудудида ва чет элларда ваколатхоналар ва филиаллар очиш;
 - корхоналарни, уларнинг тўлиқ ёки қисман фаолиятларини бошқариш;
 - ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;
 - ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш;
 - тўқимачилик, тикувчилик, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш, тўқиш, бўйаш, улгуржи ва чакана сотиш, ўзининг фирма дўконларини очиш, чет давлатларга экспорт қилиш;
 - ип-калава маҳсулотлари ишлаб чиқариш, дизайнерлик, янги маҳсулотларни яратиш, яратилган янги маҳсулотларга патентлар олиш;
 - турли хил газламалар ишлаб чиқариш, уларнинг чакана ва улгуржи савдоси билан шуғулланиш;
 - инвестиция дастурларида қатнашиш;
 - экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш;
 - қимматли қоғозларни сотиб олиш-сотиш;
 - бизнес режалаштириш ва молиявий таҳлил хизматлари;
 - ахборот, маркетинг ва консалтинг хизматлари;
 - риэлторлик фаолияти;
 - баҳолаш фаолияти;
 - улгуржи ва чакана савдо;
 - улгуржи, тижорат, озиқ-овқат, универсал дўконларини ва супермаркетлар тармоғини тузиш;
 - матбаа хизматлари;
 - жамиятлар, ташкилотлар ва жисмоний шахсларга дистрибьюторлик, дилерлик, агентлик, вакиллик ва инжиниринг хизматларини кўрсатиш;
 - реклама фаолияти, кўрғазмаларда иштирок этиш, мижозлар буюртмаси бўйича реклама маҳсулотини ишлаб чиқариш.
- 4.4. Жамият Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан таъқиқланмаган бошқа фаолият турларини ҳам амалга оширишга ҳақлидир.
- 4.5. Лицензия олишни талаб қиладиган фаолият, Жамият томонидан тегишли лицензия олингандан кейин амалга оширилади.

V. ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Жамият Иштирокчиси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- қонун ва Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг ишларини бошқаришда иштирок этиш;
- қонун ҳужжатларида ва Жамият таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳамда унинг бухгалтерия дафтарлари ва бошқа ҳужжатлари билан танишиш;
- фойдани тақсимлаш;
- Жамиятнинг Устав фондидаги ўз улушини ёхуд унинг бир қисмини қонунда ва ушбу Уставда назарда тутилган тартибда бошқа шахсларга сотиш ёки ўзгача тарзда уларнинг

фойдасига воз кечиш;

- қонунда ва Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда Жамиятдан чиқиш;

- Жамият тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкнинг бир қисмини ёки унинг қийматини олиш.

- қонун ҳужжатлари ва Жамият таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

5.2. Жамият Иштирокчисининг мажбуриятлари:

- қонунда ва Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, миқдорда, усулларда ва муддатларда ҳисса қўшишлари;

- Жамият фаолияти тўғрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор қилмасликлари шарт.

Жамият Иштирокчиси қонун ҳужжатларида ва Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

VI. ЖАМИЯТ ВА УНИНГ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Жамият ўзининг мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли бўлган барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

6.2. Жамият унинг Иштирокчиси мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Жамият Иштирокчиси унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди.

6.3. Жамият Иштирокчисининг мажбуриятлари бўйича ундирувни унинг улушига қаратишга қарзларни қоплаш учун жамият Иштирокчисининг бошқа мол-мулки етарли бўлмаганда фақат суднинг қарори асосида йўл қўйилади.

VII. ЖАМИЯТНИНГ МОЛ-МУЛКИ ВА МАБЛАҒЛАРИ

7.1. Жамият мустақил равишда ўзига тегишли мол-мулкдан фойдаланади.

7.2. Жамиятнинг мол-мулки:

- иштирокчиларнинг улушларидан;
- жамият фаолияти натижасида олинган фойдадан;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалардан шакллантирилади.

7.3. Жамият мол-мулкни мустақил балансда ҳисобга олади, уни мулк ҳуқуқи асосида бошқаради, яъни эгалик қилади, фойдаланади ва уни ўз хоҳишига кўра мазкур Устав ва қонун ҳужжатлари талабларига риоя этган ҳолда тасарруф қилади.

7.4. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қимматли қоғозлар чиқаришга ҳақли.

VIII. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ

8.1. Жамиятнинг фаолиятини таъминлаш учун Иштирокчи ҳисобидан Устав Фонди ташкил қилинади.

8.2. Жамият Иштирокчисининг Устав Фондидаги улушининг миқдори ва унинг номини қиймати куйидагича: 30 000 000 000 (ўттиз миллиард) сўм ёки 100 фоз.

8.3. Жамиятнинг устав фондидаги Иштирокчининг улушлари пул, мол-мулк, асбоб-ускуна, кўчмас мулк, интеллектуал мулк ва ҳ.к.лар билан киритилиши мумкин.

8.4. Жамиятнинг Иштирокчиси Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб бир йилдан ошмайдиган муддат мобайнида Жамиятнинг Устав фондига ўз ҳиссасини тўлиқ киритиши керак.

8.5. Жамият Иштирокчиси томонидан ҳиссанинг тўлиқ киритилганлиги Жамият Иштирокчисига бериладиган гувоҳнома билан тасдиқланади.

8.6. Жамият Умумий йиғилишнинг қарорига асосан Устав фондиди кўпайтириши ёки камайтириши мумкин.

8.7. Устав фондиди кўпайтириш тўғрисидаги қарор Иштирокчи томонидан ўз улуши тўлиқ киритилганидан кейингина қабул қилиниши мумкин. Устав фондиди кўпайтириш Иштирокчи томонидан қўшимча улушлар киритиш ва/ёки Жамиятнинг соф фойдаси ҳисобидан амалга оширилиши мумкин. Жамиятнинг устав фондиди соф фойда ҳисобидан кўпайтириш тўғрисидаги қарор фақатгина бундай қарор қабул қилинган йилдаги Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосида қабул қилиниши мумкин.

8.8. Жамиятнинг устав фондиди камайтириш Иштирокчига тегишли бўлган улушларнинг номинал қийматини камайтириш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Жамият устав фондиди камайтириш ва унинг янги миқдори тўғрисида қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб ўттиз кун мобайнида Жамиятнинг унга маълум бўлган барча кредиторларини хабардор қилиши, шунингдек қабул қилинган қарор тўғрисида оммавий ахборот воситаларида маълумот эълон қилиши шарт.

8.9. Устав фондиди ўзгартириш тўғрисидаги қарор учинчи шахслар учун Уставга тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин кучга киради.

IX. ИШТИРОКЧИНING ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИ САФИДАН ЧИҚИШИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

9.1. Жамиятнинг иштирокчиси жамият иштирокчилари сафидан чиқиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолатда Иштирокчи устав фондидаги ўз улушини, шунингдек, улашнинг бир қисmini учинчи шахсларга сотиш ёки уларнинг фойдасига воз кечиш ҳуқуқига эга.

9.2. Жамият устав фондидаги улушдан (улушнинг бир қисмидан) бошқа шахснинг фойдасига воз кечиш (сотиш) оддий ёзма шаклда амалга оширилиши керак.

9.3. Иштирокчи иштирокчилар сафидан чиқишида унга ўзи томонидан устав фондига киритилган улушнинг ҳақиқий қиймати натура ёки ҳақиқий қийматига тенг бўлган пул кўринишида қайтарилади.

9.4. Жамият иштирокчиси ўзгартирилганидан кейин жамиятнинг таъсис ҳужжатларига зарурий ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиши лозим.

9.5. Жамиятнинг таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин кучга киради.

X. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

10.1. Қуйидагилар жамиятнинг бошқарув органлари ҳисобланади:

- Жамият иштирокчисининг Умумий йиғилиши;

- Кузатув кенгаши;

- Дирекция.

10.2. Жамият иштирокчисининг Умумий йиғилиши Жамиятнинг олий органи ҳисобланади ва жамият фаолиятига умумий раҳбарлик қилади.

10.3. Жамиятнинг кундалик фаолияти юзасидан раҳбарлик ижро органи - Дирекция томонидан амалга оширилади.

10.4. Дирекция Жамиятнинг Умумий йиғилиш ва Кузатув кенгаши олдида ҳисобдор.

XI. ЖАМИЯТ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

11.1. Иштирокчининг умумий йиғилиши Жамиятнинг олий бошқарув органи ҳисобланади. Жамиятнинг иштирокчиси вазифасини “Ипотека-банк” АТИБ бошқаруви бажаради.

11.2. Иштирокчининг умумий йиғилиши амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилади.

11.3. Жамиятнинг навбатдаги умумий йиғилиши йилига бир марта молия йили тугаганидан кейин кечи билан олти ой ичида ўтказилади.

11.4. Жамиятнинг навбатдаги умумий йиғилиши Кузатув кенгаши раиси томонидан чақирилади.

11.5. Жамиятнинг навбатдаги умумий йиғилишида мажбурий равишда Жамият фаолиятининг йиллик натижалари ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа масалалар тасдиқланади.

11.6. Жамиятнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамият ва унинг Иштирокчиси манфаатлари тақозо этса, ўтказилади.

11.7. Жамиятнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан жамият Иштирокчиси, Кузатув кенгаши аъзоларининг 3/5 (бешдан уч) қисми ҳамда жамият тафтиш комиссиясининг талабига биноан чақирилади.

11.8. Жамиятнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши зарур ҳолларда Дирекция ташаббусига биноан чақирилиши мумкин.

11.9. Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарор жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан фақат қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин:

- агар Жамият Иштирокчисининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабни тақдим этишнинг ушбу Қонунда белгиланган тартибига риоя этилган бўлмаса;

- агар Жамият Иштирокчисининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг кун тартибига киритиш учун таклиф қилинган масалалардан бирортаси ҳам унинг ваколатлари жумласига кирмаса.

11.10. Дирекция жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талаб олинган санадан эътиборан уч кун ичида бу талабни кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун киритиши шарт. Кузатув кенгаши уч кун ичида мазкур талабни кўриб чиқиши ва жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида ёки ушбу Уставнинг 12.9-бандида кўрсатилган асослар бўйича уни ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

11.11. Умумий йиғилишнинг мутлақ ваколатига қуйидаги масалаларни ҳал қилиш қарариди:

а) Жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, шунингдек тижорат ташкилотларининг бошқа бирлашмаларида иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
б) Жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдорини ўзгартириш;
в) таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш;
г) Жамиятнинг тафтиш комиссиясини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

д) Кузатув кенгаши аъзоларини тайинлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

е) йиллик ҳисоботларни ва йиллик бухгалтерия балансларини тасдиқлаш;

ж) Жамиятнинг соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

з) Жамият органларининг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлаш (қабул қилиш);

и) аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аудиторлик ташкилотлари ҳамда уларнинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини аниқлаш;

й) бошқа юридик шахсларни, ваколатхоналар ва филиалларни тузиш, юридик шахслар устав капиталда иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

к) Жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

л) тугатувчини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш;

м) Жамиятнинг ижро этувчи органини тузиш ва уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш;

н) тузилишидан жамият кузатув кенгашининг аъзоси, жамиятнинг ижро этувчи органи аъзоси манфаатдор бўлган ёки жамият иштирокчисининг манфаатдорлиги бўлган битимларни тузишга розилик бериш масаласини кўриб чиқиш;

о) жамият мол-мулки қийматининг эллик фоизидан ортиқ қийматга эга бўлган мол-мулкни жамиятнинг олиши, тасарруфидан чиқариши ёки жамият бевосита ёхуд билвосита мол-мулкни тасарруфидан чиқариши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган битим ёки ўзаро боғлиқ бир неча битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш (ушбу банднинг “п”, “р” ва “с” кичик бандлари бундан мустасно);

п) қийматидан қатъий назар Жамият томонидан кафиллик ва кафолат хати бериш масаласини ҳал этиш;

р) қийматидан қатъий назар Жамият эгалигидаги мол-мулкни гаровга қўйиш ва бегоналаштириш билан боғлиқ битимлар тузиш масаласини ҳал қилиш;

с) Жамият томонидан қимматли қоғозлар чиқариш ҳақида қарор қабул қилиш;

т) амалдаги қонунчиликда назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

11.12. Жамият Иштирокчисининг Умумий йиғилиши мутлақ ваколатлари жумласига киритилган масалалар Жамиятнинг Кузатув кенгашига ва Ижро этувчи органига ҳал этиши учун топширилиши мумкин эмас.

Бироқ, ушбу масалалар Жамият Иштирокчисининг Умумий йиғилиши муҳокамасига киритилгунга қадар Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Ижро этувчи органи мажлисида кўриб чиқилиши мумкин.

11.13. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, тафтиш комиссияси аъзолари ва Жамиятнинг бошқа мансабдор шахслари Жамият Иштирокчисининг умумий йиғилишида маслаҳат овози бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин.

ХII. ЖАМИЯТНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

12.1. Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Иштирокчининг умумий йиғилиши ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

12.2. Кузатув кенгаши аъзоларининг сони камида беш кишидан иборат бўлиб, улар жамият Иштирокчиси томонидан Жамият Иштирокчисининг навбатдаги йиллик йиғилишида бир йил муддатга тайинланади. Кузатув кенгаши аъзолари чекланмаган муддатга қайта тайинланишлари мумкин.

Кузатув кенгаши аъзоларининг бири, бир нечтаси ёки барчасининг ваколатлари муддатидан аввал тугатилган тақдирда, Жамият Иштирокчисининг навбатдан ташқари йиғилиши қарори билан Жамият Иштирокчисининг навбатдаги йиллик йиғилиши ўтказиладиган муддатга қадар Кузатув кенгашининг янги аъзоси (аъзолари) тайинланади.

12.3. Жамиятнинг ижро этувчи органининг, унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари бошқарув органларининг аъзолари, жамият томонидан ташкил этилган унитар корхонанинг раҳбари ҳамда айна шу шўъба, тобе хўжалик жамиятларида ва унитар корхонада меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

12.4. Кузатув кенгаши мажлиси Кузатув кенгаши раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра ёки:

- Жамият Иштирокчиси;
- Кенгаш аъзоси;
- Бош дириктор;
- Жамият тафтиш комиссияси;
- Жамият ички аудит хизмати ташаббуси билан чиқарилади.

12.5. Кузатув кенгаши мажлиси Кузатув кенгаши аъзоларининг 4/5 (бешдан тўрт) қисми иштирок этган бўлса ўтказилган ҳисобланади.

12.6. Кузатув кенгаши ваколатига кирувчи масалалар буйича қарорлар Кузатув кенгаши мажлисида иштирок этган аъзоларнинг камида 2/3 (учдан икки) қисмининг розилиги билан қабул қилинади. Кузатув кенгаши масалаларни ҳал қилишда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси бир овозга эга бўлади.

Овоз бериш ҳуқуқи Кузатув кенгашининг бир аъзоси томонидан Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига берилишига йўл қўйилмайди.

12.7. Кузатув кенгашининг қарори Кузатув кенгаши мажлисини ўтказмай (кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш учун Кузатув кенгаши аъзоларининг биргаликда ҳозир бўлмай) сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) қабул қилиниши мумкин. Бундай қарор Кузатув кенгаши барча аъзоларининг розилиги билан қабул қилинади.

12.8. Кузатув кенгаши ваколатига қўйидаги масалаларни ҳал қилиш киради:

- а) Жамиятнинг сиёсатлари ва ривожланиш стратегиясини белгилаш;
- б) Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш (Жамият органларининг фаолиятини тартибга солиш ички меъёрий ҳужжатлари бундан мустасно);
- в) Жамиятнинг бизнес-режасини тасдиқлаш ва унинг бажарилишини назорат қилиш;
- г) молия йили учун даромадлар прогнозини ва йиллик харажатлар сметасини тасдиқлаш;
- д) ҳар чоракда Жамият ижро этувчи органининг ва ички аудит хизматининг ҳисоботини.

эшитиш;

- е) Жамият даромадлари устидан мониторингни амалга ошириш;
- ж) йиллик молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Иштирокчининг умумий йиғилишига киритиш;
- з) ички аудит хизматини ташкил этиш, фаолиятини назорат қилиш, ички аудит хизмати ходимларини тайинлаш ва вазифасидан озод этиш, шунингдек Ички аудит хизматининг йиллик ҳаражатлар сметасини тасдиқлаш;
- и) тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтиш комиссиясига) тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори юзасидан ҳамда аудиторлик ташкилотининг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилашга доир тавсиялар бериш;
- к) Жамият Иштирокчисининг умумий йиғилиши ўтказилишига тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш;
- л) жамият мол-мулки қийматининг ўн фоизидан то эллик фоизигачасини ташкил этадиган мол-мулкни жамиятнинг олиши, тасарруфидан чиқариши ёки жамият бевосита ёхуд билвосита мол-мулкни тасарруфидан чиқариши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган битим ёки ўзаро боғлиқ бир неча битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш (ушбу банднинг “м” кичик банди бундан мустасно);
- м) Жамият томонидан кредит олиш масаласини ҳал этиш;
- н) Жамият штат жадвалини, жумладан ходимларга тўланадиган иш ҳақи миқдорини тасдиқлаш ва ходимларни рағбатлантириш учун иш ҳақига қўшимча равишда тўланадиган тўловлар миқдорини ва уларни амалга ошириш тартибини белгилаш;
- о) Жамият иштирокчиси томонидан топширилган ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

12.9. Кузатув кенгаши фаолиятига Кузатув Кенгаши раиси раҳбарлик қилади.

12.10. Кузатув кенгаши раиси ваколатларига қуйидагилар киради:

- а) Кузатув кенгаши йиғилишларини олиб бориш;
- б) Жамиятнинг навбатдаги умумий йиғилишини чақириш;
- в) Жамиятнинг Бош директори ва Бош бухгалтери билан муддатли меҳнат шартномаси тузиш;
- г) Жамият Дирекцияси аъзоларини (Бош директори ва Бош бухгалтери бундан мустасно) ёллаш ҳақида шартнома тузиш;
- д) Жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларини ёллаш тўғрисидаги шартнома тузиш;
- е) ички аудит хизмати ходимлари билан меҳнат шартномаси тузиш;
- ж) Жамият Иштирокчиси томонидан топширилган ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради.

12.11. Жамият иштирокчиси умумий йиғилишининг қарорига биноан Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларига ҳақ туланиши ва (ёки) уларнинг ўз мажбуриятларини бажаришлари билан боғлиқ ҳаражатларни Жамият томонидан қопланиши мумкин. Ҳақлар ҳаражатларнинг миқдори ва уларни тўлаш тартиби Жамият иштирокчиси умумий йиғилиши қарори билан белгиланади.

ХIII. ДИРЕКЦИЯ

13.1. Дирекция Жамиятнинг ижроия органи ҳисобланиб, 5 нафар аъзодан иборат бўлади.

Дирекция аъзолари Жамият Иштирокчисининг навбатдаги йиллик йиғилишида бир йил муддат тайинланади. Дирекция аъзолари чекланмаган муддатга қайта тайинланишлари мумкин.

Дирекция аъзоларининг бири, бир нечтаси ёки барчасининг ваколатлари муддатидан аввал тугатилган тақдирда, Жамият Иштирокчисининг навбатдан ташқари йиғилиши қарори билан Жамият Иштирокчисининг навбатдаги йиллик йиғилиши ўтказиладиган муддатга қайта Дирекциянинг янги аъзоси (аъзолари) тайинланади.

13.2. Дирекция таркибига қоида тариқасида Бош директор, Бош директор ўринбосари (шунингдек, ушбу лавозимга тенглаштирилган бошқа лавозимда ишловчи ходим), Бош бухгалтер ва Юридик хизмат раҳбари киритилади.

Дирекцияни мазкур бандда қайд қилинган таркибда шакллантириш имконияти бўлмаган тақдирда, Дирекция таркибига бошқа раҳбар лавозимларда ишлаётган ходимлар киритилиши мумкин.

13.3. Дирекцияга Бош директор раҳбарлик қилади. Бош директор билан Иштирокчисининг умумий йиғилиш қарори асосида муддатли меҳнат шартномаси тузилади. Бош директор билан муддатли меҳнат шартномасини имзолаш ваколати Кузатув кенгайиши раисига берилади.

Жамият давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг Бош директор билан муддатли меҳнат шартномаси жамиятнинг йиллик натижалари тасдиқланадиган Жамият Иштирокчисининг навбатдаги умумий йиғилишини ўтказилгунга қадар, лекин молия йили якунлангандан кейин йилнинг 1 (биринчи) июль санасидан узоқ бўлмаган муддатга тузилади.

Кейинги муддатларга муддатли меҳнат шартномаси жамиятнинг йиллик натижалари тасдиқланадиган Иштирокчисининг навбатдаги йиллик йиғилиши қарори асосида бир йил муддат (кейинги йилнинг 1 (биринчи) июль санасидан узоқ бўлмаган муддатга) тузилади.

Бош директор билан муддатли меҳнат шартномаси муддатидан аввал бекор қилинган тақдирда Жамият Иштирокчисининг навбатдан ташқари йиғилиши қарори билан, жамиятнинг йиллик натижалари тасдиқланадиган Жамият Иштирокчисининг навбатдаги умумий йиғилишини ўтказилгунга қадар Бош директор вазифасини бажарувчи тайинланади.

13.4. Жамият ва Дирекция аъзолари (Бош директор ва Бош бухгалтердан ташқари) ўртасида Дирекция аъзоси сифатида ёллаш тўғрисида шартнома Кузатув кенгайиши томонидан имзоланади.

13.5. Дирекция Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарликни амалга оширади ва ушбу Устав ҳамда Жамият олдида қўйилган вазифаларни бажарилиши учун Жамият иштирокчисининг олдида жавобгар бўлади.

13.6. Дирекция:

а) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларини бажаришга, Жамият раҳбарларининг меҳнат шартномаларини муҳофаза қилиш ва яхшилашга, Жамият томонидан таъинланган мулкдан оқилона фойдаланишини таъминлашга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқариш ва жорий этади;

б) Жамиятнинг асосий фаолиятини такомиллаштиришга, бошқаришнинг энг янги услубларини жорий этишга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқариш ва жорий этади;

в) Жамиятни ривожлантириш бўйича стратегик чоралар ишлаб чиқариш, кейинчалик реал инвесторларга сотиш ишларини ташкил этади;

г) кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқариш ва жорий этади;

д) Жамиятнинг ички иш тартибини ва хўжалик фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлайди;

е) Жамият томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига риоя қилинишини таъминлайди;

ж) йиллик ҳисоботларни ва йиллик бухгалтерия балансларини тасдиқлаш;

з) Жамиятга юкланган мақсадлар ва вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа функцияларни амалга оширади.

13.7. Дирекцияга Бош директор раҳбарлик қилади.

13.8. Жамиятнинг Бош директори:

а) Жамият номидан ишончномасиз ҳаракат қилади, барча ташкилотларда, шу жумладан, ташқи ташкилотларда унинг манфаатларини ифода қилади;

б) ходимларни ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномалари (контрактлари) тузади ҳамда уларни ўзгартиради ва тўхтатади;

в) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради;

г) Жамиятнинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар ва кўрсатмалар чиқаради;

д) Жамият Иштирокчиси ва Кузатув кенгаши томонидан топширилган ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради.

13.9. Жамият Дирекциясининг фаолияти, ҳуқуқ-мажбуриятлари ҳамда жавобгарлик масалалари, унинг томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби Жамиятнинг ҳужжатлари билан, шунингдек Жамият ва Дирекция аъзолари (Бош директор) ўртасида тузилган шартномалар билан белгиланади.

13.10. Дирекция ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва вазифаларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳаракат қилиши лозим ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари маблағларга тўловлар, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи барча талабларнинг ва уларга тенглаштирилган тўловларнинг қондирилиши, бевосита ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ эҳтиёжларга маблағлар ўтказилмаганлиги, Жамиятнинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан, шу жумладан, Жамиятга берилган мол-мулк йўқотилган тақдирда, етказилган зарар юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

13.11. Дирекция кредитлар олиш, учинчи шахсларнинг мажбуриятларини таъминлаш учун Жамият номидан кафилият ва кафолатлар бериш, Жамият эгалигидаги мол-мулкни гаровга қўйиш ва бегоналаштириш билан боғлиқ битимларни мустақил тузиш ҳуқуқига эга эмас.

13.12. Дирекцияси Умумий йиғилишнинг розилигини олмай туриб бошқа юридик шахслар устав капиталига инвестиция киритиш (иштирок этиш) ҳуқуқига эга эмас.

13.13. Дирекция аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб ҳалол ва оқилона ҳаракат қилишлари керак.

Дирекция аъзолари ўзларининг айбли ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга етказилган зарар учун, агар қонунларда бошқа асослар ва жавобгарлик миқдорлари кўрсатилган бўлмаса, жамият олдида жавобгар бўладилар.

XIV. ЖАМИЯТНИНГ БИТИМ ТУЗИШДАН МАНФААТДОРЛИГИ. ЙИРИК БИТИМЛАР

14.1. Тузилишидан жамият Кузатув кенгаши ва Дирекциясининг аъзоси манфаатдор бўлган Иштирокчининг манфаатдорлиги бўлган битимлар жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг розилигисиз жамият томонидан тузилиши мумкин эмас.

14.2. Йирик битимни тузиш тўғрисидаги қарор жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

14.3. Жамият устав фондининг 10 (ўн) фоизидан юқори қийматга эга бўлган мол-мулкни жамиятнинг олиши, тасарруфидан чиқариши ёки жамият бевосита ёхуд билвосита мол-мулкни тасарруфидан чиқариши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган битим ёки ўзаро боғлиқ бир неча битим йирик битим деб ҳисобланади. Жамиятнинг одатдаги хўжалик фаолияти жараёнида тузиладиган битимлар йирик битимлар деб эътироф этилмайди.

Қийматидан қатъий назар Жамият томонидан кафиллик ва кафолат хати бериш, Жамият эътилоғидаги мол-мулкни гаровга қўйиш ва бегоналаштириш билан боғлиқ битимлар тузиш, Жамият томонидан қимматли қоғозлар чиқариш ҳақида қарор қабул қилиш Жамият Иштирокчиси ваколатига киради.

Қийматидан қатъий назар Жамият томонидан кредит олиш ҳақида қарор қабул қилиш Жамият Кузатув кенгаши ваколатига киради.

XV. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН НАЗОРАТ

15.1. Жамият ўз фаолиятини мустақил режалаштиради ҳамда ўз маҳсулоти ва хизматларига нархларни бозор конъюктурасидан келиб чиқиб белгилайди.

15.2. Жамият конун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ва статистика ҳисоботини юритади.

15.3. Жамиятнинг молия йили календарь йилга мос тушади. Биринчи молия йили Жамият юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилган йилнинг 31 декабрида якунланади.

15.4. Молиявий ҳисоботнинг ишончилигини, бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибининг белгиланган талабларга мувофиқлигини текшириш учун Жамият иштирокчиси умумий йиғилишининг қарорига кўра конун ҳужжатларида белгиланган тартибда аудиторлик ташкилоти жалб қилинади.

15.5. Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш аудитор томонидан молия йили якунлари бўйича амалга оширилади.

XVI. ДАРОМАДНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗИЁНЛАРНИ ҚОПЛАШ

16.1. Жамият барча солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлаганидан кейин унинг ҳисобида қолган маблағлар жамиятнинг фойдасини ташкил этади.

16.2. Жамият йилнинг ҳар чорагида, ярим йилда бир марта ёки бир йилда бир марта йилнинг соф фойдасини Жамият иштирокчиси ҳисобига бутун ёки маълум бир қисмини тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир. Жамият иштирокчисига ўтадиган фойда қисмини аниқлаш тўғрисида ёки тақсимланмаган фойда сифатида қолдириладиган қисм миқдори тўғрисидаги ёки захира фондларига йўналтириладиган сумма миқдори тўғрисидаги қарор Жамият Иштирокчиси томонидан қабул қилинади.

16.3. Жамият куйидаги ҳолларда ўз фойдасини Жамият Иштирокчиси ҳисобига тақсимлаш натижасида қарор қабул қилишига ҳақли эмас:

- а) Жамиятнинг бутун Устав фонди (устав капитали) тўлиқ шакиллантирилгунга қадар;
- б) агар бундай қарорни қабул қили пайтида Жамият фаолиятини белгиловчи иқтисодий меъёрларни бузишга олиб келса;
- в) агар бундай қарорни қабул қилиш пайтида Жамият қонунига мувофиқ банкротлик белгиларига жавоб берса ёки агар мазкур белгилар Жамиятда шундай қарор қабул қилиниши натижасида пайдо бўлса;
- г) агар шундай қарорни қабул қилиш пайтида Жамият соф активларининг қиймати унинг устав фондидан (устаф капиталидан) ва захира фондидан кам бўлса ёки шундай қарор қабул қилиниши натижасида уларнинг миқдоридан камроқ бўлиб қолса;
- д) қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

XVII. ЖАМИЯТНИНГ СУҒУРТА ЗАХИРАЛАРИ, ЗАХИРА ФОНДИ ВА БОШҚА ФОНДЛАРИ

17.1. Суғурта захиралари Жамият томонидан суғуртанинг ҳар бир тури (класси) бўйича суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш назарда тутилган амалда шакллантирилади.

Жамият буғалтирия ҳисобини тузишда ҳисобот санасига суғурта фаолиятини амалга оширишдан олинган молиявий натижаларни аниқлашда суғурта захиралари ҳажмини ҳисоблайди. Суғурта захиралари ҳисоб-китоби Жамиятнинг ҳисоб ва ҳисоб маълумотларига асосланган ҳолда амалга оширилади.

17.2. Жамиятнинг суғурта захиралари:

- а) Жамиятнинг суғурта захиралари олинган суғурта бадалларидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳамда шартлар билан ҳисоб қилинади;
- б) суғурта захиралари Жамият ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажаришни таъминлаш учун мўлжалланган.

17.3. Жамиятнинг захира фонди Жамият зараларини қоплаш ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ бошқа мақсадларга йўналтириш учун мўлжалланган.

Жамиятнинг захира фонди Жамиятнинг соф фойдасидан ҳар йили 5 фоиз миқдорда қаратмалар қилиш йўли билиан, миқдори устав фондининг 30 фоизига тенг бўлгунга қадар ҳосил қилинади.

XVIII. ЖАМИЯТНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

18.1. Жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларининг сони уч кишидан иборат бўлиб, улар Жамият Иштирокчиси томонидан бир йил муддатга тайинланади. Шунингдек, Жамият Иштирокчисининг қарорига асосан Жамият таштиш комиссияси вазифаларини аудиторлик таъкилоти ҳам амалга ошириши мумкин.

18.2. Жамият тафтиш комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунлари, қонуности ҳужжатларида белгиланган меъёрларга ҳамда ушбу Уставга мувофиқ амалга оширилади.

18.3. Жамиятнинг тафтиш комиссияси Жамият иштирокчисининг умумий йиғилишига ҳисобот беради.

18.4. Жамият Кузатув кенгаши ва Дирекцияси аъзолари Жамият тафтиш комиссияси аъзоси бўлиши мумкин эмас.

18.4. Жамият тафтиш комиссиясининг талабига биноан Жамият Кузатув кенгаши ва Дирекция оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериши шарт.

18.5. Жамият тафтиш комиссиясининг ташаббуси билан Жамият Иштирокчисининг умумий йиғилиши қарори билан Жамиятнинг исталган давр учун молиявий-хўжалик фаолияти текширилиши мумкин.

18.6. Жамият тафтиш комиссияси Жамиятнинг йиллик ҳисоботларини ва бухгалтерия баёнотларини улар йиллик умумий йиғилишда тасдиқлангунига қадар мажбурий тартибда текширишдан ўтказди ва хулоса беради.

18.7. Жамият тафтиш комиссиясининг иш тартиби Жамият иштирокчисининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган ички меъёрий ҳужжат билан белгиланади.

ХІХ. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ

19.1. Жамиятнинг кузатув кенгаши ички аудит хизматини ташкил этади ва унинг ишларини тайинлайди. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

19.2. Ички аудит хизмати Жамиятнинг ижро этувчи органи, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғрилик этирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг ижро этувчи органи, ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

19.3. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон Қарори билан тасдиқланган “Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низом, Жамият Устави ҳамда Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган ички аудит хизмати тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширади.

XX. ЖАМИЯТНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИНИ САҚЛАШ

20.1. Жамият қуйидаги ҳужжатларни сақлаши шарт:

- Жамиятнинг таъсис ҳужжатлари, шунингдек жамиятнинг таъсис ҳужжатларига таъинланган ҳамда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартишлар ва қўшимчалар;
- Жамият Иштирокчиси йиғилишининг жамиятни ташкил этиш ва жамиятнинг устав фондига қўшиладиган пулсиз ҳиссаларнинг пул баҳосини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни, шунингдек жамиятни ташкил этиш билан боғлиқ бошқа қарорларни ўз ичига олган баённомаси;
- Жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- Жамиятнинг ўз балансида турган мол-мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- Жамиятнинг филиаллари, ваколатхоналари ва алоҳида бўлинмалар тўғрисидаги низомлар;
- Жамият Иштирокчисининг умумий йиғилишлари, Кузатув кенгаши, Дирекция ва тафтиш

комиссияси мажлисларининг баённомалари;

- жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ва аудиторлик ташкилотини хулосалари;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар.

20.2. Юқорида айтиб ўтилган ҳужжатлар Дирекция жойлашган жойда сақланади.

20.3. Агарда амалдаги қонун ҳужжатлари билан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, жамият мазкур уставнинг 22.1-бандида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни доимий сақлайди.

20.4. Жамият Иштирокчининг талаби билан унга ахборот, шунингдек таъсис ҳужжатлари унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан тақдим қилиши ёки нусха бериши шарт.

XXI. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ ТЎХТАТИШ

21.1 Жамият фаолияти қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

а) Иштирокчилар умумий йиғилишининг қарорига кўра;

б) амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

21.2. Жамият фаолияти қайта ташкил этиш ёки тугатиш орқали тўхтатилади.

21.3. Жамиятни қайта ташкил этиш амалдаги қонун ҳужжатларига биноан қўшиб юбориб, бирлаштириш, бўлиш, ажратиш чиқариш ва қайта тузиш йўли билан амалга оширилади. Жамият қайта ташкил этилганда таъсис ҳужжатларига зарур ўзгартиришлар киритилади. Жамият қайта ташкил этилганда ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳуқуқий ворисларга ўтади.

21.4. Жамиятни тугатиш Иштирокчининг умумий йиғилиши томонидан тайинланган тугатиш комиссияси томонидан амалга оширилади. Жамиятнинг фаолияти ваколатли давлат органи ёки суднинг қарорига кўра тўхтатилган тақдирда жамиятни тугатиш ушбу органлар томонидан тайинланган тугатиш комиссияси томонидан амалга оширилади.

21.5. Тугатиш комиссияси тайинланган пайтдан бошлаб унга Жамият ишларини бошқариш бўйича ваколатлар ўтади. Тугатиш комиссияси Жамиятнинг нақд кўринишдаги мол-мулкни баҳолайди, унинг дебиторлари ва кредиторларни аниқлайди ҳамда улар билан ҳисоб-китоб қилади, Жамият қарзларини учинчи шахсларга, шунингдек унинг иштирокчиларига тўлаш бўйича чоралар кўради, тугатиш балансини тузади ва уни Иштирокчиларнинг умумий йиғилишига тақдим этади.

21.6. Жамиятда мавжуд пул маблағлари, шу жумладан тугатиш пайтида унинг мол-мулкнинг сотишдан тушган тушумлар, бюджет билан ҳисоб-китоблар, Жамият ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар, кредиторлар билан ҳисоб-китоблардан сўнг тугатиш комиссияси томонидан Жамият иштирокчилари ўртасида уларнинг устав фондидаги улушларига муносиб равишда тақсимланади. Иштирокчи томонидан фойдаланиш учун Жамиятга берилган мол-мулк ҳақ тўламасдан асли ҳолида қайтарилади.

21.7. Жамият тугатилганлиги ҳақида юридик шахсларнинг давлат реестрига тегишли ҳужжатлар киритилган пайтдан бошлаб Жамиятни тугатиш якунланган, Жамият эса ўз фаолиятини тўхтатган ҳисобланади.

21.8. Тугатиш комиссияси Жамиятга, унинг иштирокчиларига, шунингдек учинчи шахсларга етказилган зарар учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ мулкий жавобгар бўлади.

21.9. Жамият қайта ташкил этилган тақдирда мол-мулк икки тараф томонидан баёнланадиган, Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган

21.10. Ҳукукий вориснинг фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлмаган мол-мулк ва хужжатлар Жамият иштирокчиларига берилади.

22.1. Ушбу Уставга киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар Жамият Иштирокчиси томонидан ушбу Устав ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган қоидалар бўйича тасдиқланиши, сўнгра давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Ушбу Уставга киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда кучга киради.

22.3. Агар ушбу Уставнинг бирор бир қондаси ўз кучини йўқотса, қолган қондалар ўз кучини сақлаб қолади.

22.4. Ушбу Уставда ҳал этилмаган масалалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳал этилади.

Жамият ягона таъсисчи
“Ипотека-банк” АТИБ

